

Ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида мавжуд китобларнинг электрон каталоги тузилган. Қарийб икки йил давомида ўттиз мингдан зиёд китоб электрон каталогга киритилди. Улар орасида Шарқ адабиётига бид ноёб асарлар ҳам бор.

олаяптилар. Электрон каталог тузиш куникмаларига эга бўлишмоқда. Уларга услубий қўлланмалар тарқатаёلمиз.

Қарор ижросини таъминлашда Алоқа

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

тасида ўтган асрнинг 20-30-йилларида чоп этилган ноёб газеталарнинг электрон версиялари тайёрланмоқда.

Кузатишлар кўрсатаёптики, марказ хизматидан фойдаланувчилар сони ошарди. Шу ўринда бир неча қиёсий мисол. Ўтган йилнинг дастлабки ярмида марказнинг китобдан фойдаланувчилари сони 10 минг 600 нафарни ташкил этганди. Жорий йилнинг ўтган олти ойида эса улар сони 12 минг нафардан ошди. Қатнов сони 65 минг 100 тага өтди. Ваҳоланки, 2007 йилнинг дастлабки ярмида бу кўрсаткич 43 мингтани ташкил этганди. Китоб бериш кўрсаткичи ҳам 65 мингга ошган.

Бугун марказ хизматидан фойдаланувчилар сафида нафақат талаба ва тадқиқотчилар, балки фермер, ҳисобчи, тадбиркор каби турли йўналишлар вакилларини ҳам кўриш мумкин. Уларга Хосият Аълоева, Зевар Салимова, Аргентина Маилова, Лида Ветчинкина сингари тажрибали ходимлар, Суҳроб Муродов, Иқбол Саидовадек ёш мутахассислар яқиндан туриб хизмат кўрсатишмоқда. Натижада марказ хизмати қамрови тобора кенгаймоқда. Қарордан кўзда тутилган мақсад ҳам худди шу.

**Истам ИБРОҲИМОВ,  
"Бухоронома" муҳбири.**

**Суратда: ахборот-кутубхона марказида ахборот-ресурс марказлари ходимлари малака оширишайётган пайт.**

# Xizmat qamrovi kengaymoqda

— Бунинг китобхон учун аҳамияти бениҳоят катта, — дейди мазкур марказ директори Мамлакат Самадова. — Аввало, у вақтдан ютади. Ўзига керакли адабиётни жуда қисқа муддат ичида компьютер воситасида топади. Яна бир қулай жиҳати шундаки, агар мижозимиз излаган адабиёт бизда бўлмаса, уни республикадаги бошқа ахборот-кутубхона марказларидан шу ерда туриб топиши мумкин. Ўша адабиёт қаерда борлиги аниқлангач, уни буюртма асосида олса бўлади.

Бу ерда китобнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш ҳақида боряпти. Марказ жамоаси адабиётларнинг тўлиқ матни электрон вариантини яратиш устида ҳам ишларни бошлаб юборди. Шу мақсадда ходимларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, улар учун семинар-тренинглари уюштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Сир эмас, сўнгги йилларда тезкор ахборотга эҳтиёж кучайди. Аҳолининг ахборот-кутубхона хизматига талаби ошди. Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 20 июнидаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни

ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида хизмат қилаяпти.

— Мазкур қарор шарофати билан фаолиятимизда туб ўзгаришлар юз берди, — дейди М. Самадова. — Қарор асосида ахборот-кутубхона марказлари ҳамда халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Шунингдек, олий ўқув юртлири тасарруфи

да ҳам шундай марказлар фаолият кўрсатишмоқда. Биз уларнинг барчаси учун услубий марказ ҳисобланамиз. Шу мақсадда услубий бўлимимиз қошида ўқув марказини ташкил этганмиз. Ахборот-ресурс марказлари ходимлари бу ерда компьютер саводхонлиги бўйича сабоқ



ва ахборот агентлигининг кўмаги катта бўлмоқда. Чунончи, агентлик ёрдамида компьютерлар сони 36 тага етказилди. Шу асосда янги электрон ўқув зали очилди. Зал интернет ва "ZYONET"га уланган. Бундан ташқари, яна бир хайрли иш йўлга қўйилди. Замонавий сканер воси-